



МАМЛАКАТДА АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА КАМ ДАРОМАД ОЛУВЧИЛАРНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛЛИК ОМИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар шароитида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш зарурати таҳлил қилинган. Ижтимоий давлат концепцияси доирасида аҳоли даромадлари даражаси, инфляция таъсири ва тўловга қобиллик муаммоларининг молиявий саводхонлик билан узвий боғлиқлиги очиқ берилган. Кам даромадли аҳоли қатламида жамғариш ва инвестиция имкониятларининг чекланганлиги илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, солиқ сиёсатини табақалаштириш, инфляция таъсирини юмшатиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш орқали аҳолининг молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий саводхонлик, ижтимоий давлат, аҳоли даромадлари, тўловга қобиллик, инфляция, солиқ сиёсати, жамғариш.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва глобал иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви аҳолининг молиявий муносабатларга бўлган эътиборини кучайтиришни талаб этмоқда. Бугунги кунда ҳар бир инсон ўз даромадларини самарали бошқариш, мавжуд молиявий имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад манбаларини шакллантириш учун етарли даражада молиявий билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.

Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш ғояси доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишни долзарб вазифага айлантирмоқда. Ижтимоий бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг молиявий фаоллиги, тўловга қобиллик даражаси ва турмуш сифати ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.



Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, мантикий умумлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш усулларида фойдаланилди. Аҳоли даромадлари, инфляция кўрсаткичлари ва камбағаллик даражасига оид статистик маълумотлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, молиявий саводхонликнинг аҳоли тўловга қобиллигига таъсири ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан баҳоланди ҳамда амалда қўлланилаётган солиқ имтиёзлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари таҳлил қилинди.

Жаҳон иқтисодиётини ривожланиши, турли мураккаб жараёнлар аҳолининг молиявий муносабатларга бўлган эътиборни кучайтиришни талаб этмоқда. Ҳар бир инсоннинг ўз оилавий маблағларини кўпайтиришни амалиётда мавжуд бўлган турли молиявий йўлларида унумли фойдаланиши орқали қўшимча даромадларини ошириш учун молиявий савдхонликка эга бўлиши заруратга айланмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган табригида “Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият куриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат”, деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди” деб таъкидлаган. Демак, шундай экан давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислохотларни чуқурлашуви ва иқтисодиётни модернизациялаш талаблари аҳолининг молиявий саводхонлигини шакллантириш ва уни ошириш зарурлигини исботламоқда.

Аҳолининг молиявий саводхонлиги бу, аҳоли ўз маблағларидан тўғри фойдаланиш, ўз харажатлари ва жамғармаларини режалаштириш, инвестициялашни устувор йўналишларини аниқлаш, фавқулотдаги вазиятлар учун зарур бўлган маблағ жамғариш борасида етарли даражада билим ва кўникмаларга эга бўлиши, самарали қарорлар қабул қилиши ва ўзларининг



моддий фаровонлигини ошириш учун салоҳиятларидан, имкониятларидан тўлиқ фойдалана олишидир.

Яъни, молиявий саводхонлик - шахсий молиявий бошқарув бўлиб, даромад ва харажатларни, ҳамда инвестицияларни ўз ичига олган турли хил молиявий кўникмаларни тушуниш ва самарали ишлатиш қобилиятидир.

Бунинг учун, фуқароларнинг қабул қилаётган молиявий қарорлари самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича аҳолининг молиявий саводхонлиги тизимини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли молиявий саводхонлигининг индикатори бўлиб, уларнинг даромадлик даражаси ҳисобланади. У аҳолининг тўлов қобилиятини ривожлантиради, барқарор ўсиш суръатларини белгилаб берувчи аҳоли жамғармаларини, инвестицияларни, тадбиркорлик фаолиятини, молия бозори имкониятларини тараққий эттиради, молиявий инструментлар тўғрисида амалий кўникмаларини шакллантиради. Бир сўз билан айтганда, “пул бўлса чангалда шўрва” дейилиши бежиз эмас албатта.

Бугунги кунда бу маслада энг аввало аҳоли даромадлари даражасининг пастлигини келтириш керак.

Масалан, аҳолининг “асосий қисми - 38,7 фоизи ойда 2-4 миллион сўм даромадга эга бўлганлар гуруҳига киради, ... ўз харажатларининг кўпроқ қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига ва камроқ қисмини ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар (яъни транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар)га” сарфлайди[1]. Бу улушга яна “2022 йилда аҳолининг “камбағаллик даражаси ... 14 фоиз”[2] эканлиги қўшилса, у 42,7 фоизни ташкил этади.

Энди, тасаввур қилайлик, топган даромадлари кунлик харажатларига сарфланадиган 42,7 фоиз аҳолидан молиявий саводхонликка қизиқиши тўғрисида гап бориши мумкинми? Уларда жамғариш ёки инвестиция учун маблағ бўлиши мумкинми? Ҳа, сиз тўғри фикр юритганингиздек, албатта йўқ.



Аминманки, сиз ҳам мен каби ўз эътиборингизни нима учун вилоятларда энг юқори имиджга эга бўлган Gucci, Chanel, Giorgio Armani, Christian Dior, Adidas, Nike каби бренд товарлари ишлаб чиқарувчиларининг ихтисослаштирилган ўз савдо дўконлари мавжуд эмаслигига қаратгансиз. Ва албатта бу ҳолатларнинг асосий сабаби бўлиб, аҳолининг тўловга қобиллик даражасининг юқори эмаслиги тўғрисидаги фикрга келгансиз. Шунинг учун, аввал иқтисод, сўнг сиёсат деган ибора ўзининг ижтимоий мазмунига эга.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, аҳолининг молиявий саводхонлик тизимини жорий этишда аввал шу улушга кирувчи фуқароларнинг даромадлар миқдорини сезиларли ошишини таъминлаш керак. Бунинг учун, улардан олинадиган солиқлар тизимига алоҳида ёндашув керак.

Бундай ёндашув амалиёти Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-714-сонли Қонуни билан айрим ҳудудлардаги жисмоний ва юридик шахслар учун амал қилади. Унга кўра ЖШОДС 1 фоиз даражасида белгиланган[3].

Бу амалиётга мувофиқ, бошқа ҳудудларда ҳам кам даромад олувчиларнинг даромадларини солиққа тортишда табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўллаш амалиёти эътиборга моликдир. Ва бунда, паст даромадли аҳоли қатламига яшаш минимуми миқдорига тенг даромадлари учун “0” ставкани жорий этиш, ундан юқори қисмини амалдаги солиқ ставкасининг 50 фоизида солиққа тортишни белгилаш, ижтимоий ҳимоя ягона реестрга киритилган аҳоли қатламини эса даромад, мол-мулк ва ер солиғига тотрмаслик мақсадга мувофиқдир. Бу жараён Президентимиз табири билан айтганда “ижтимоий давлат” талабларига тўлиқ мослигини таъминлаб беради ва аҳолининг тўловга қобиллик даражасини ошишига ҳамда тўғридан-тўғри манзилли ҳимоялашга замин яратади.

Айтганимиздек, кам даромад олувчиларда харажатларнинг асосий қисми озиқ- овқат маҳсулотларига қаратилади. Бугунги кунда уларнинг баҳоси инфляция таъсирида ошиб бораётганлиги уларнинг тўловга қобиллик даражасига таъсир кўрсатмоқда. Яъни, “инфляция фақатгина макроиқтисодий



кўрсаткич эмас, аҳоли даромади ва турмуш тарзига таъсир қилувчи омил ҳисобланади” [4].

Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт стратегиясида 2022 йилда инфляция даражасини 9 фоизга тушириш белгиланган бўлишига қарабмай, у 12,3 фоизни ташкил этди[4]. 2022 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи асосан 15,6 фоиз (2021 йилда - 13 фоиз) ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 10,7 фоизга (7,8 фоиз) ошди[5].

Бу нимадан дарак? Гап шундаки, инфляцияни жиловлаш нафақат ички сиёсат билан боғлиқ, балки импорт жараёнлари ҳам унга таъсир кўрсатади. Яъни, ноқулай ташқи шароитлар натижасида, асосий савдо шериклари бўлган давлатларда инфляция даражасининг ортиши, импорт қилинаётган маҳсулотларнинг баҳосига таъсир кўрсатиши натижасида юз берган.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча кам даромад олувчи аҳоли қатламини тўловга қобиллик даражасини кўпайишида, кенг истеъмол қилинадиган “озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни “даладан дастурхонгача” етказиб беришдаги харажатларни қисқартириб, арзон бўлишини таъминлаш зарур”[4].

Бунинг учун, ушбу товарларни ишлаб чиқарувчиларни жойларда ихтисослаштирилган дўконларини очиш ва корхона баҳоларида маҳсулотлар реализациясини амалга ошириш, ўртадаги воситачиларни бартараф этиш орқали мазкур маҳсулотлар баҳосини арзонлашувига эришиш мумкин. Ижтимоий ҳимоя ягона реестрга киритилган аҳоли қатламига бу маҳсулотларни сўзсиз сотиш жараёнини амалга ошириш масалалари инфляция таъсирини юмшатишга кўмак бўлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси унинг даромадлари ва тўловга қобиллик имкониятлари билан бевосита боғлиқ. Кам даромадли аҳоли қатлами учун молиявий саводхонликка қизиқиш жамғариш ёки инвестиция қилиш имкониятларининг чекланганлиги сабабли пасайган.



Аҳоли даромадларининг асосий қисми кундалик эҳтиёжлар, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланиши инфляция шароитида тўловга қобилликни янада пасайтиради. Бу эса молиявий саводхонликни ошириш бўйича дастурларни фақат таълим билан чеклаб қўймасдан, аҳолининг реал даромадларини ошириш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Муҳокама жараёнида солиқ сиёсатини табақалаштириш, кам даромадли аҳоли қатламини солиқ юкидан қисман ёки тўлиқ озод этиш, шунингдек, инфляция таъсирини юмшатишга қаратилган чоралар аҳолининг молиявий имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Таъкидлаб ўтилган ушбу ҳолатлар паст даромадли аҳолининг тўловга қобиллик даражасини маълум даражада ошишига хизмат қилади ва ишлаб топилган молиявий маблағларини самарали сарфлашга ва кўпайтиришга хизмат қилади. Натижада, ўз молиявий маблағларини тўғри жойлаштиришга, молиявий бозор инструментлардан мақсадли фойдаланишга, турмуш даражасини оширишга муваффақ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ижтимоий давлат шароитида фақат таълимий масала эмас, балки аҳоли даромадлари, инфляция ва солиқ сиёсати билан узвий боғлиқ комплекс ижтимоий-иқтисодий вазифадир. Кам даромадли аҳоли қатламида тўловга қобиллик даражаси оширилмас экан, молиявий саводхонликни ривожлантириш самараси чекланган бўлиб қолади.

Мазкур тадқиқот асосида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин: кам даромадли аҳоли қатлами учун табақалаштирилган солиқ ставкаларини жорий этиш ва яшаш минимумидан паст даромадларни солиқдан озод қилиш; озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва “даладан дастурхонгача” занжиридаги харажатларни қисқартириш орқали инфляция таъсирини юмшатиш; ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган аҳоли учун мақсадли қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш; аҳолининг тўловга



қобиллик даражаси ошиши билан уйғун ҳолда молиявий саводхонлик дастурларини босқичма-босқич жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [https://daryo.uz/k/2020/05/15/Ўзбекистонда илк бор аҳоли турмуш даражаси ҳақидаги таҳлил натижалари эълон қилинди](https://daryo.uz/k/2020/05/15/Ўзбекистонда%20илк%20бор%20аҳоли%20турмуш%20даражаси%20ҳақидаги%20таҳлил%20натижалари%20эълон%20қилинди) - "Daryo".
2. [https://kun.uz/news/2023/01/25/Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 14 фоиз экани маълум қилинди](https://kun.uz/news/2023/01/25/Ўзбекистонда%20камбағаллик%20даражаси%2014%20фоиз%20экани%20маълум%20қилинди) (kun.uz).
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2021 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-714-сонли Қонуни
4. <https://president.uz/uz/lists/view/5879>. Инфляция даражасини пасайтириш чоралари муҳокама қилинди.
5. <https://xabar.uz/mahalliy/2022> йилда Ўзбекистонда инфляция 10 фоиздан 12,3 фоизгача тезлашди (xabar.uz).
6. O'zbekiston respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston milliy universiteti iqtisodiyot fakulteti. "Moliya va soliqlar" ma' ruzalar kursi. Toshkent - 2012 yil.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-60 сонли Фармони // <https://lex.uz/>.